ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ — 2-бет
«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар
БОҒ УЗРА ГЎЗАЛ НАВОЛАР — 7-бет
«ШОФАЙЗ» ЯНАДА ФАЙЗЛИ БЎЛДИ — 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 170 (10.223) / 2004 ЙИЛ 3 СЕНТЯБРЬ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Афина шаҳрида бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Афинада бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

### «Ўзбекистон ифтихори»

**Доктуришивили Александр** - Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг юнон-рум кураши бўйича спортчи-йўриқчиси

**Таймазов Артур Борисович** - «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

**Ибрагимов Магомед Абдулмўминович** - «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси

**Султонов Баҳодиржон Марибжон ўғли** - Андижон давлат университетининг талабаси

**Юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун мукофотлансин:**

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Ҳайдаров Ўткирбек Абдужалилович** - Андижон шаҳар ички ишлар бошқармаси ходими

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 2 сентябрь

**Болаларнинг ёзги қувноқ таътил кунлари ҳам ниҳоясига етиб, янги ўқув йили Мустақиллигимизнинг 13 йиллик байрам кунларида бошланди. Кеча қутлуғ даргоҳ бўлган мактабларда биринчи қўнғироқ садолари янграб, ўқувчиларни ўз бағрига чорлади. Чунки улар орзиқиб кутган кун келди. Бу жажжи болажонларнинг чеҳраларида ҳам қувонч, ҳам ҳаяжон.**

## БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ





Янги ўқув йили барча мактаблар қатори Собир Раҳимов туманидаги 140-бошланғич мактабда ҳам шодиёна руҳда бошланди. Мактаб ҳовлиси эрта тонгдан бир хил форма кийган ўқувчилар, ота-оналар билан гавжум бўлди. «Ўзбегим шарлари»нинг ранго ранг шарлари билан безатилган мактаб ҳовлиси болаларга янада қувонч бахш этди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан чизилган суратлар кўргазмаси, спорт тўгараги аъзоларининг чиқишлари ўқувчилар эътиборини жалб этди.

**Гулором ШОКИРОВА**

**СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов туманидаги 140-бошланғич мактабда янги ўқув йили мана шундай бошланди.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

**Москвада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 11 жилдлик асарлар тўпламининг электрон нусхаси тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда Россия давлат, сиёсий ва ижтимоий доиралари ҳамда ўзбек диаспораси вакиллари, журналистлар, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар иштирок этишди.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АСАРЛАРИ ТЎПЛАМИ ТАҚДИМОТИ

Меҳмонлар республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишишди. Учрашув иштирокчилари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли муносабатлар изчил ривожланаётганини алоҳида қайд этдилар. 2004 йилнинг июнида имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома икки мамлакат президентларининг мунтазам учрашувлари самараси экани эътироф этилди.

— Ўзбекистонда юз бераётган улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқ, - деди «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Халқаро рассомлар конфедерацияси раиси М.Фаткулин. – Ишончим комилки, яқин келажакда Ўзбекистон ўзининг халқаро майдондаги мавқеини янада мустаҳкамлайди. Мустақиллик байрами муносабати билан ўзбек заминида доимо тинчлик ва эзгулик қуёши порлаб туришини тилайман.

Тақдимот иштирокчиларининг кенг эътирофига кўра, жорий йилнинг февралида маданият ва санъат арбоблари ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси икки мамлакат ўртасидаги янгича муносабатларнинг муҳим ифодаси бўлди.

**М. ЗОҲИДОВ**
**«Жаҳон» АА**
**Москва**

## «ДАЙМЛЕР-КРАЙСЛЕР» ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**Германиянинг «Даймлер-Крайслер» концерни бошқаруви раисининг Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Клаус Манголд раҳбарлигидаги ушбу концернннинг бир гуруҳ вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлди.**

Вазир Содиқ Сафоев билан учрашувда мамлакатимиз корхоналари билан мазкур концерн ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига оид масалалар муҳокама этилди.

Делегация аъзолари Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов билан ҳам музокара ўтказди. Унда «Мерседес-Бенц» русумидаги транспорт воситаларининг янги туркумини етказиб бериш, Германияда мазкур техникага хизмат кўрсатиш бўйича ўзбекистонлик мутахассисларни тайёрлаш ва пойтахтимизда «Даймлер-Крайслер» автосалонини ташкил этиш юзасидан келишувларга эришилди.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.**

**● Кеча Республикамизнинг барча 9.743 та умумтаълим мактабларида биринчи қўнғироқ чалиниб янги ўқув йили бошланди. Янги ўқув йилида жами 600 минг нафардан ортиқ биринчи синф ўқувчиларига Президент совғалари — дарсликлар, ўқув қуроллари топширилди.**

**● Эртага Самарқанд шаҳрида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Универсиада-2004» мусобақалари бошланади. Унда уч мингга яқин спортчи талаба ўзаро куч синашади.**

**● Ҳисор тоғларидаги 4643 метр баландликдаги чўққига ёш альпинистлар Дилмурод Тиллахўжаев ва Илёс Тухфатуллинлар Ўзбекистон Давлат байроғини ўрнатишди.**

**● Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳрида «Лола Модель» Ўзбекистон-Америка-Туркия қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди. Янги корхонада табиий матолардан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.**

**● Юртимиз Мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги Абдураҳмонов номли ширкат хўжалигида янги қишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди. Унда беш минг кишига хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.**

### Жаҳонда

**● Украина бош вазири Виктор Янукович икки кунлик ташриф билан Ироққа келди. У Ироқ раҳбарияти билан Украина тинчликпарвар кучларининг Ироқда бўлишига оид ва бошқа масалалар юзасидан музокаралар ўтказади.**

**● Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида террорчилар гаровга олган биринчи мактабдаги 360 нафар ўқувчилар ва уларнинг қариндошлари орасидан музокараларга кўра 3 та ёш болали аёл озодликка чиқарилди.**

**● БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Россияда содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги масала бўйича ёпиқ шаклда шошилинч маслаҳатлашувлар бошланди.**

**● Террорчиликка қарши операцияларни амалга ошириш чоғида Покистоннинг махсус хизматлари томонидан «Ал-Қоида» халқаро террорчилик тармоғига қарашли бўлган еттита жангари қўлга олинди. Улар орасида ушбу ташкилотнинг етакчиларидан бири Шариф ул-Мисрий ҳам бор.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Никоҳ шартномаси қандай ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади?**

**Ш.Хусниддинова, талаба.**

Никоҳ шартномаси суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган асослар бўйича тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Никоҳ шартномасининг шартлари ушбу кодекс 31-моддаси бешинчи қисмининг талабларига зид келса, суд эр-хотиндан бирининг талабига биноан никоҳ шартномасини тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

* * *

**Оталик (оналик) тўғрисида эътироз билдириш учун қаерга мурожаат этилади?**

**Б.Тожиев, ишчи.**

Туғилишни ёзиш дафтаридаги туғилишга оид ёзув боланинг унда кўрсатилган ота-онадан туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади.

Боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс унга бундай ёзув маълум бўлган ёки маълум бўлиши лозим бўлган вақтдан эътиборан бир йил мобайнида ана шу ёзув тўғрисида суд тартибида эътироз билдиришга ҳақлидир. Агар шу вақтга келиб, боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс вояга етмаган бўлса, бир йиллик муддат мазкур шахс ўн саккиз ёшга тўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

* * *

**Ишхонада кўпчилигимиз хотин-қизлармиз. Саломатлик ва гўзаллик ҳақида кўп гаплашамиз. Ҳамиша тетик ва ёш кўринишнинг қандай табиий усуллари борлигини билмоқчи эдик.**

**Р.Зокирова, Ҳ.Маткаримова, тарбиячилар**

Бир нарсага эътиборни қаратиш: ҳамиша ораста, ўзингизга қараб, хуш кайфият билан юришни унутмаслик лозим. Асабларни авайлаш, соғлиқнинг қадрига етиш ҳам биринчи галдаги вазифалардан биридир.

● Шунингдек, яна бир усулни айтиш мумкин: ярим литр оқ вино олиниб унга ярим стакан майдаланган қора илдиз (девясил) қўшилади ва 15 дақиқа паст оловда қайнатилади. Бу суюқлик билан кунига икки маҳал юз артилади.

● Бир чой қошиқ лимон суви, шунча миқдордаги асал ва 1 ош қошиқда ўсимлик мойи (кунгабоқар мойи бўлса айни муддао) аралаштирилади ва эрталабки наҳорга — оч қоринга ичилади. Бу малҳамни уч ҳафта узмасдан ичиш лозим. Бу амалнинг натижасини тезда ҳис этасиз ва сира афсусланмайсиз.

● 250 грамм саримсоқпиёз гўшт майдалагичдан ўтказилади ва 250 миллиграмм кунгабоқар мойи билан аралаштирилади, сўнг уч кун салқин, қоронғи жойда сақланади. Уч кундан кейин аралашмага 250 грамм ун ҳолатига келтириб янчилган арпа қўшилади ва яна уч кун қоронғи, салқин жойда сақланади. Шу тахлит ёшлик ва гўзаллик малҳами тайёр бўлади. Уни овқатланишдан ярим соат олдин ичасиз.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

---

*Тошкент—Кортрейк: биродарлашган шаҳарлар*

## СТЕФАН ДЕ КЛЕРК:

# «МЎЪЖИЗАКОР ТОШКЕНТ ОҚШОМЛАРИ»



**Пойтахтимизга мамлакатимиз Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган байрам шодиёналарида иштирок этиш мақсадида Тошкент билан биродарлашган Бельгия Қироллигининг Кортрейк шаҳри мэри Стефан Де Клерк бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.**

**Шу йилда Тошкент ва Кортрейк шаҳарлари ўртасида биродарлашув алоқалари ўрнатилганига 15 йил тўлди. Ўтган вақт давомида Кортрейк делегациясининг Тошкентга, пойтахтимиз вакилларининг биродарлашган шаҳарга бир нечта ўзаро ташрифлари бўлиб ўтган. Таъкидлаш лозимки, икки шаҳар ўртасидаги бундай ришталар ўрнатиш ғояси Кортрейкнинг 800 йиллигига тайёргарлик чоғида туғилганди, аниқроғи шаҳар маъмурияти томонидан байрам чора-тадбирлари доирасида тўқимачилик саноати ривожланишига мустаҳкам негиз бўлган бирон-бир мамлакатнинг пойтахти билан яқиндан алоқа тузиш қарор қилиниб, махсус рўйхатда Ўзбекистон ва унинг пойтахти биринчилар қаторидан ўрин олганди. Бундай саъй-ҳаракатнинг ўзига яраша асослари йўқ эмасди.**

**Кортрейк Рим империяси даврида Лзе дарёси ўрнида пайдо бўлган. Ўрта асрларданоқ бу ерда аста-секин тўқимачилик ривожлана бориб, айниқса бу шаҳарда кўп асрлар давомида тўқиб келинган юпқа дамаст матосининг довруғи кетганди. Шу йўсинда Кортрейкда гилам тўқувчилик, устки безаш ва бошқа матолар, шунингдек тайёр тикув маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кенг ривожлана бошланди. Бу дегани Кортрейк тўқимачилик саноати билан тарихан боғлиқ ва бугунги кунда ҳам бу соҳада жаҳон маркази бўлиб қолмоқда.**

**Кортрейк делегациясининг галдаги ташрифи пайтида меҳмонлар томонидан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, хусусан тўқимачилик ва туризм соҳаларини ривожлантириш таклифи билдирилди. Бу ҳақда Кортрейк шаҳри мэри Стефан Де Клерк ва Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов ўртасида бўлиб ўтган суҳбат чоғида ҳам таъкидланди.**

**Кортрейк мэри Стефан Де Клерк мамлакатимиз бош майдони — Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган байрам тантаналарида иштирок этиб, пойтахтимизда илк олган таассуротлари билан ўртоқлашиш ниятида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига махсус интервью бериш истагини билдирди.**

**— Жаноб Клерк, аввалambор ўзингиз бошчилик қилаётган делегация аъзолари билан таништириб ўтсангиз.**

— Ўзбекистонга, хусусан Тошкентга менинг биринчи маротаба келишим. Делегация аъзоларининг кўпчилиги мамлакатингизга бир неча бор келишган ва, сиз шоҳиди бўлганингиздек, улар қисқа вақт ичида Тошкент шаҳри жамолида ўз аксини топган улкан ўзгаришлар ҳақида ҳаяжон ва ҳайрат билан фикр бидирмоқдалар.

Делегациямиз таркибига турли соҳа вакиллари кирган ва бу бизнинг ниятларимиз ҳам турли соҳаларда ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш эканлигидан далолат беради. Тошкентга мен билан яна саккиз киши ташриф буюрди. Улар орасида иқтисодиёт, маданият департаментлари раҳбарлари, халқаро ишлар бўйича масъул ходимлар, «Томас Кук» ва «НВ Мичел Ван де Майл» компанияларининг махсус лойиҳа вакиллари, шунингдек Кортрейк тарих ва санъат музейи директори ҳам бор. Ишончимиз комилки, Тошкентга бу сафарги ташрифимиз ҳам нафақат икки биродарлашган шаҳар, балки Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга ҳам истиқболли замин яратади.

**— Қайси соҳаларда ҳамкорлик ришталарини янада жипслаштириш ниятингиз бор?**

— Шубҳасиз, биринчи галда туризм бўйича Ўзбекистонда, хусусан Тошкентда кўплаб тарихий обидалар мавжуд. Мени яна шу ҳайратга солдики, бу ерда сайёҳлик инфратузилмаси яхши ривожланган экан, қолаверса бу борада салоҳиятингиз катта, шу боисдан ҳам фақат сайёҳлик эмас, турли делегациялар алмашуви орқали бу имкониятлардан самарали фойдаланишимиз мумкин. Агарда вазият тақозо этса, ҳаттоки чартер йўналишларини ташкил этиш ҳам керак бўлади. Шунингдек, биз ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш ва талабалар билан алмашувларни ҳам йўлга қўйишдан манфаатдормиз. Кортрейк — битта университети бўлган ягона ғарбий-фламанд шаҳар, шу билан бирга бу ерда бир нечта институтлар, ўрта махсус ўқув юртлари, мусиқа мактаблари бор. Шубҳасиз, ушбу йўналишда бир-биримиздан ўрганадиган, тажриба алмашадиган имкониятларимиз улкан. Ва ўйлайманки, аввалambор ўсиб келаётган авлод икки шаҳар билан бевосита танишган ҳолда биродарлашув муносабатларимиздан воқиф бўлиши яхши самара беради.

Албатта, Кортрейк унча катта шаҳар эмас, урушлар туфайли бу ерда тарихий обидалар ҳам кўп сақланиб қолмаган. Бироқ шундай бўлса ҳам «Бруль» минораси, «Бекльфорт» қўнғироғи, «Бегинаж» аёллар ибодатхонаси, XIII аср кафедрал собори ва Авлиё Мартин черкови, шаҳар ратушаси, Кортрейк мэрияси жойлашган XVI асрга мансуб бино ҳам Бельгия Қироллигига ташриф буюрувчиларнинг кўпчилигида катта қизиқиш уйғотади.

Буюк мутафаккир Абу Али Ибн Сино ҳайкали ўрнатилган истироҳат боғи Кортрейкнинг диққатга сазовор жойларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдимки, бу хушманзара боғ кортрейкликларга доимо серқуёш Ўзбекистон, унинг гўзал, меҳмондўст пойтахтини, шаҳарларимиз ўртасида дўстлик алоқалари ҳақида эслатиб туради. Қолаверса, мен ўзим ҳам бу ерга қачон келмайин, ҳар сафар янги фикрлар, янги ғоялар туғилаверади. Дарвоқе, 2005 йилда ўзбекистонлик рассомларнинг Кортрейкда кўргазмасини ташкил этишни ният қилиб қўйганмиз.

**— Тошкент шаҳар ҳокими билан учрашувингиз чоғида икки шаҳар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни тиклаш, жумладан машҳур Бельгия гиламлари ҳақида сўз борди. Ушбу йўналишда аниқ бир ҳаракатлар амалга ошириладими?**

— Кортрейк гилам ишлаб чиқариш бўйича салоҳияти кучли шаҳар, бу маҳсулот экспорти бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Лекин шуни тан олишим керак, айни пайтда Ўзбекистонга бизнинг гиламлар келтирилмаётгани мен учун кутилмаган янгилик бўлди. Шу билан бирга «машҳур Бельгия гиламлари» деган ибора мени ҳайратлантирди ҳам. Шундай экан, нима учун бу «машҳурлик»ни биз йўқотиб қўйишимиз керак? Икки томонда ҳам истак ва имкониятлар бор экан, уларни ишга солиб қўшма корхона ташкил этиш, йўқ, савдо-сотиқ бўйича эмас, балки айнан Тошкентда ҳамкорликда гиламлар ишлаб чиқариш бўйича корхона очиш лозим, деган фикрни бугундан бошлаб илгари суришни олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Шунингдек, пахтани қайта ишлаш соҳасида ҳам қўшма корхона ташкил этишга манфаатдорлигимиз бор. Бизга маълум бўлишича, ҳар йили биргина Тошкентнинг ўзида учта-тўртта тўқимачилик йўналиши бўйича фабрикалар ишга туширилар экан. Яқин келажакда Ўзбекистоннинг пахта хом ашёсининг 50 фоизини тайёр маҳсулотгача қадар қайта ишлаш режалаштирган. Бу дегани бошқа мамлакатлар қаторида биз учун ҳам имкониятлар очилаётир. Биродарлашув ҳамкорлигимиз доирасида ушбу йўналишда бир эмас, бир нечта лойиҳаларни муваффақиятли татбиқ этишимиз мумкин. Сир эмаски, айни пайтда саноат тармоқларини ривожлантириш борасида бизларда муаммолар кўп, зеро, саноат бошқа мамлакатларга «ўзиб» кетмоқда. Демак, биз янги иқтисодий имкониятларни излашимиз даркор, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам.

**— Мэр жаноблари, сизнинг мамлакатимизга биринчи ташрифингиз айнан Мустақиллик байрамимиз нишонланаётган вақтга тўғри келгани тасодиф эмас экан...**

— Бу менинг шахсий истагим эди десам ҳам муболаға бўлмайди. Ўтган йили Тошкент шаҳри делегациясининг Кортрейкка бўлган ташрифи чоғида менга билдирилган таклифга жавобан Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигини бирга нишонлаймиз деган фикрни билдиргандим. Тошкент ҳақида мен кўп бор эшитганман, уни Шарқнинг афсонавий шаҳарларига таққослаган ҳолда таърифлайдилар. Бугун биз, кортрейкликлар, барча ўзбекистонликлар билан халқингиз ҳаётида муҳим воқеа — Мустақиллик байрамини биргаликда нишонлашга муяссар бўлаётганимиздан беҳад хурсандмиз. Бугунги кунда бутун дунё аҳли халқаро терроризмга қарши курашаётган бир пайтда шу каби ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кўринишидаги ҳамкорлик муносабатлари ўта долзарбдир. Дўстлар, ҳамкорлар қанчалик тез-тез учрашиб турсалар, шунчалар ёвуз кучлар ортга чекиниши шубҳасиз... Байрам тантаналари энди бошланишига қарамасдан, одамлар хурсанд, айниқса болалар чеҳрасидан кулги аримаётгани фаровон ҳаёт исботи, ўзбек халқининг тинчлик ва дўстликка интилишларидан далолатдир. Кечки Тошкент қиёфаси шунчалик бетакрорки, буни сўз билан ифода этишга ожиздир киши, у ҳақиқатан ҳам эртаклардаги каби гўзал шаҳардир.

Мамлакатингизда биз яна уч кун бўламиз.Шарқ дурдоналари Самарқанд ва Бухорода ҳам бўлишни режалаштирганмиз.

Ишончим комилки, бизнинг дўстлигимиз янада мустаҳкамланиб, бир неча асрлар илгари Буюк ипак йўлига асос солинган даврдагидек Шарқ ва Ғарбни узвий боғлаб туради.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА суҳбатлашди.**

---

## Пойтахтнинг бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

● **ЮНУСОБОД** туманидаги Мирзо Улуғбек номли маҳаллада «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида «Ибратли оила» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги Мискин ва Абдували Абдуқаюмов номидаги маҳаллалар марказининг очилиш маросими ўтказилди.

● **МУСТАҚИЛЛИКНИНГ** 13 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Тошкент шаҳар Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан шаҳримиздаги коллежларга ўқишга кирган ёшлар «Биз буюк аждодлар фарзандимиз» шиори остида пойтахтимиздаги диққатга сазовор зиёратгоҳларга саёҳат уюштиришди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги Шотурсун Ғуломов номли маҳаллада март ойида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳаракатларининг салбий оқибатлари ҳамда хавфсизликни асраш масаласига бағишлаб уюштирилган тадбирда маҳалла фаоллари иштирок этишди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги «Дўстлик» маҳалла гузарида туман ижтимоий-таъминот бўлими ташаббуси билан Ватанпарварлик акцияси ўтказилди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 17-клиник шифохонада юртимиз Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлаб пойтахтдаги шифохоналар ходимлари иштирокида байрам тадбири уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур...

● Ҳар кимнинг ичи болалар ноғораси каби бўш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миясини, ўзининг эса дарвозасини қиртишлайди.

● Яхши сўз бебаҳо бойлик асоси, камгаплик эса саломатлик сармоясидир.

**Сўз айтсанг сен фақат**
**фойдали сўз айт,**
**Бу билан жой олгин**
**элнинг дилидан.**
**Бўлмаса сўзламай**
**жим ўтир, чунки,**
**Инсонга не келса**
**келар тилидан.**

● Қадимий Юнон ҳакимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил бўлса, ўйламай сўзлашда дадил бўлади. Бундай кишилар сўзнинг шаҳвор дур эканини ва уни беҳуда сочиш одам учун путур эканини билмайдилар.

● Форс донишмандларидан Барзув ал Ҳаким насиҳатлари. У ёзади:

— Ҳар нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаики вужудга келган бўлса, аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кечириш сабаби муроса, сирнинг ошкор бўлмаслиги сабаби ўзгаларга ёмон ниятда кўз тикмасликда, гина сабаби бадфеълликда, дўстлик сабаби очиқ юзлиликда, жудолик сабаби азоб, адоват сабаби хилофлик, хорлик сабаби тама, иззат сабаби қаноат, нажот сабаби ростлик, улуғлик сабаби тавозе.

● Анушервон бир куни Юнондан:

— Энг яхши яшаш нима? — деб сўради.

Юнон унга:

— Саломат бўлиш ва хотиржамликда яшаш — яхши яшашдир. Аммо, яхши ном қолдириш кишининг абадий яшашидир! — деди.

● Ҳормуз ҳаким сўзларидан. У айтади:

— Одам учун сазовор нарса шуки, у ҳикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳикмат ва фазилатга етишга қаршилик тўсқинлик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаки, у ўзгармайди ва касод бўлмайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на ботир, на қаҳрамон, на подшоҳ ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа бўлмасин!

● Бузургмеҳр айтади:

— Билгинки, ҳаким ўз табиати билан қуйидаги хислатларга эга бўлмоғи керак. Биринчи, қўлдан кетиш ва абадий турмаслиги муқаррар бўлган мол билан фахрланмаслик. Иккинчи, бошга келган меҳнатдан қўрқиб изтироб чекмаслик. Учинчи, келажакда унга муяссар бўладиган давлат учун шодланмаслик. Тўртинчи, ўзига лойиқ ва муносиб бўлмаган нарсани орзу қилмаслик. Бешинчи, етишолмаслик нарса учун қайғу тортмаслик.

● Уч нарса ўз соҳибига ёмонлик келтиради. Булар қуйидагилардир. Биринчи, мансаб эгаларининг кам ҳаракат ва беҳафсалалиги. Иккинчи, олимларнинг серғазаб бўлиши. Учинчи, хотинларнинг бешарм бўлиши.

# ВАТАНДОШЛАРИМИЗ - ЮРТИМИЗДА МЕҲМОНДА

**Ўзбекистонда Туркистон-Америка ассоциациясининг президенти Абдулла Хожи бошчилигидаги ҳайъат меҳмон бўлиб турибди. Мазкур ассоциация АҚШдаги марказий осиёлик уч мингдан зиёд ўзбек жамоаси аъзоларини бирлаштирган.**

Ҳайъат аъзолари республикамиз парламенти, вазирликлар ва муассасалар, Ислом университети талабалари билан, пойтахтимиздаги самолётсозлик заводида учрашувлар ўтказишади. Шунингдек меҳмонлар Темурийлар музейи, республика бадиий Академияси, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг кўҳна обидалари билан танишадилар ҳамда сўлим Чорвоқ оромгоҳларида ҳам бўлишади.

— Ташрифимиздан мақсадимиз – тарихий ватанимиз билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, — деб таъкидлайди Абдулла Хожи. —Ташкилотимиз 1956 йилда ташкил топган бўлсада, ўша даврда Ўзбекистоннинг озод бўлишини қалбдан истаганмиз. Бугунги мустақилликни янада мустаҳкамлаш зарур. Мустақиллик йилларида мамлакат демократик ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширмоқда, янги замонавий ишлаб чиқариш корхоналари сони ўсиб бормоқда ва шаҳарлар кўрки янада гўзаллашмоқда. Албатта бундай ўзгаришларда Президент И.А.Каримовнинг хизмати беқиёсдир. Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини мамлакатнинг муқаддас байрами билан табриклайман.

**“Жаҳон” АА**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## БОР ОТАНГГА, БОР ОНАНГГА

Илгарилари шунақа мақол кўп ишлатиларди. Турли идоралардаги сабабсиз сансалорликлар одамларнинг жонига текканди. Кейинчалик бу ибора анча барҳам топгандек бўлди. Оворагарчиликларга чек қўйилди. Лекин шундай бўлса-да, минг афсуски баъзи-баъзида шу мақолга амал қиладиганлар ҳали ҳам бор экан.

Тунов куни оиламиз билан бамаслаҳат жамғармамизни тўплаб енгил машина харид қилмоқчи бўлдик. Шу мақсадда дам олиш куни саҳар туриб, Сергелидаги машина бозори томон жўнадик. Бозор тўла машина. Истаган маркасидан топилади. Олувчидан сотувчи кўп. Бозор оралай-оралай бир янги «Москвич» олдида тўхтадик. Шу кўзимизга яхши кўриниб, дилимизга маъқул тушди.

Хуллас талашиб-тортишиб, уни харид қилдик. Энди ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари қолди. Нотариусга учрашсак, у олдин йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан машинанинг техталонига муҳр бостириб келишимизни сўради. Айтганини қилдик. Қанча йўл босиб, талонга муҳр урдириб қайтдик. Нотариал идорада одам кўп экан. Навбат кутишимизга тўғри келди. Шу аснода вақт кеч бўлиб, эртасига келишга мажбур бўлдик. Эртасига нотариусдаги ишларимиз ниҳоясига етди. Хайрият, энди қутулдик, десак «Ия, ҳали қайда, ҳозирча биринчи босқичдан ўтдингизлар, холос», дейишди.

— Яна нима гап? — сўрадик.

— Ҳали ҳаммаси олдинда. Энди машинани рўйхатдан чиқариб, қайта рўйхатга турғазиш керак, — деган гапни айтишди.

Тонг саҳарлаб, вилоят ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси идорасига йўл олдик. Бу ердаги оворагарчиликларни қўяверинг. «Ҳали у ойнага боринг, ҳали бунисига келинг», дейишади. Бунинг орасида яна қанча тўловлар. Яхшилар ёрдамида бу ердаги ишимизни ҳам зўр-базўр тугатдик.

Энди машина рақамини алмаштириш қолди холос. Эски рақам ўрнига янгисини ўзимиз истиқомат қилаётган тумандан олишимиз керак экан. Йўл-йўриқ кўрсатганларга раҳмат айтиб, туман йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига ошиқдик. Бу ерда ҳам ўша аҳвол. Ҳали у ойнага чопасан, ҳали бунисига. Хуллас яна уч соат вақт ўтказиб, ҳужжатларни расмийлаштириб олдик. Йўлда бораётиб, набирам менга миннатдорчилик билдириб қўйди. «Бу нима учун», деб сўрасам: «Бобо, сизнинг ёшингизни ҳурмат қилиб, баъзи ишларни навбатда турмай тез-тез бажармаганимизда бу юмушлар ҳали-бери осонгина битмасди», дея жавоб берди. Шунда кечадан бери болаларнинг «Бобо, сиз ҳам биз билан борасиз», деб оёқ тираб туришларининг боисини тушундим.

Ўзимча ўйланаман. Ахир нима кўп, машина сотувчи ва олувчи кўп. Шундай экан, уларнинг савдо-сотиқ ишларини бироз енгиллаштириб «Бор отангга, бор онангга» қилмай, барча ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини бир жойнинг ўзида ҳал этишнинг имкони йўқмикан? Агар шундай қилинганда югур-югурларга барҳам берилар, одамларнинг қимматли вақтлари (ахир улар орасида ишлайдиганлари қанча) беҳуда сарф бўлмасди.

## ҚАЙТАР ДУНЁ

«Қайтар дунё» деган иборани кўпинча биз салбий маънода қабул қилишни ўрганиб қолганмиз. Уни ижобий томондан ҳам қўлласа мазмунига путур етмас экан. Бир донишманд айтади: «Одатда дарада қандай овоз берсанг, шундай акс садо эшитасан. Ҳаётда ҳам шундай, сен одамларга нимаики қилсанг, ўзингга шундай бўлиб қайтади. Шунинг учун қариялар «Қайтар дунё бу» дейишади.

Ўн чоғли кексалар чойхонада давра қуришиб қолдик. Орамизга ўрта ёшлардаги бир нотаниш киши келиб қўшилди. У тез-тез давра тўрида ўтирган Сайфулла оқсоқолга қараб қўяр, нимадир демоқчи бўлардию, лекин даврадагилардан ийманарди. Шундай бўлсада, оқсоқолнинг гапларини маъқуллаб ўтирар, у нимани истаса бир зумда истагини бажо келтирар эди. Сайфулла аканинг ёнида ўтирган ҳамроҳи чой қуйиб унга узатди. Шунда Сайфулла ака:

— Раҳмат, мен қора чой ичмайман. Қон босимим бор, шифокорлар кўк чой ичишни тавсия этишган, — деб қолди.

Бояги киши «Мен ҳозир» дея, кўк чой келтириш учун ўрнидан турди. Оқсоқол уни тўхтатди.

— Иним, жойингизга ўтиринг, чойни олиб келадиган чойхоначи бор.

Нотаниш киши жилмайганича оқсоқолнинг эътирозига қарамай чойнакни кўтариб кетди. Орада ивир-шивир бошланди.

— Бу ким ўзи?

— Мунча хушомадгўй бўлмаса.

Шунда кимдир Сайфулла акадан: «Бу киши сизга ким бўлади» деб сўраб қолди. Оқсоқол елка қисди.

— Билолмай турибман.

Шу орада бояги киши бир чойнак кўк чой келтириб Сайфулла аканинг олдига қўйди.

— Раҳмат азизим, — деди Сайфулла ака, сўнг сўради. — Суриштирганнинг айби йўқ. Сиз кимсиз? Биз сиз билан бирор жойда учрашганмидик?

— Биляпман домла, мени танимай турибсиз. Мен сизнинг собиқ ўқувчингиз Ғайратжон бўламан.

— Қайси Ғайратжон?

— Ҳов ўша вақтларда сизнинг синфингизда ўқиган, энг интизомсиз бола эсингиздами?

— Э, ҳа, ҳа, эсладим. Жуда ўзгариб кетибсиз- ку? Нега қараб турибмиз, келинг бир қучоқлашиб кўришайлик.

Устоз ва шогирд бир-бирларини қучишди. Кейин ўтириб ўша йилларни эслашди. Эндигина институтни тугаллаган Сайфулла ака дастлабки иш фаолиятини Сирдарёдаги қолоқ мактаблардан бирида бошлаган эди. Домла раҳбарлик қиладиган 7-синф ўқувчилари орасида Ғайратжон энг шўх, ўт-олови эди. Бутун мактаб жамоаси унинг интизомидан шикоят қилгани қилган. Вазият шу даражага бориб етдики, Ғайратжонни интизомсиз ўқувчи сифатида мактабдан ҳайдаш масаласи қўйилди. Ўшанда Сайфулла ака кўпчиликнинг таклифига қарши бориб Ғайратжоннинг бундан кейинги тарбияси билан бевосита ўзи шуғулланишини таъкидлаб, уни мактабда қолдиришни жамоадан илтимос қилган эди.

Ёш, иқтидорли муаллим, бунинг устига синф раҳбарининг таклифи инобатга олиниб Ғайратжон мактабда ўқишини давом эттирадиган бўлди. Чиндан ҳам у Сайфулла аканинг таъсирида тез орада ўзгарди. Яхши ўқийдиган, дарсларга мунтазам қатнашадиган бўлди. Интизоми яхшиланди. Бора-бора илғор ўқувчилар сафидан ўрин олди.

Омадни қарангки, аълочи ўқувчилар қолиб Ғайратжон политехника институтига қабул қилинди. Шундан кейин ҳам у устози Сайфулла акани унутмади. Ҳар гал қишлоққа келганида устози билан кўришиб турди, суҳбатидан баҳраманд бўлди. Кейин ўқишни тугатиб узоқ юртга аспирантурага кетди. Шундан кейин домла билан алоқа узилиб қолди.

Сайфулла ака кўп йиллар Сирдарёда ишлади. У ўқитувчи, мактаб директори, ҳатто туман ва вилоят халқ таълими бўлими мудири даражасигача кўтарилди. Охири кексалик таътилига чиқиб, ўз шаҳри Тошкентга қайтиб келди. Мана бир неча йилдирки, у маҳаллада оқсоқол. Фан доктори Ғайратжон эса кўп йиллар турли вилоятлардаги олий ўқув юртларида талабаларга дарс берди. Шу йиллар давомида у устози Сайфулла акани кўп эслади. Лекин учрашиб кўришишнинг иложи бўлмади. Бу сафар у ёзги таътилда домласини топиб у билан учрашишга астойдил аҳд қилган эди. Мана қидира, қидира уни шу ердан топди.

Узоқ йиллардан сўнг топишган устоз ва шогирднинг ширин суҳбатидан таъсирланган даврадаги кексалардан бири: «Қайтар дунё бу» дея таъкидлаб қўйди.

Ҳа, бу дунё азалдан ўзи шунақа. Яхшиларга, яхшилик билан ёмонларга ёмонлик билан, қайтади.

## ОҒИЛХОНАМИЗ БЎШАБ ҚОЛДИ

Йўл йўлакай бораётиб марҳум дўстим Аҳмаджонни эслаб қолдим. Раҳматли биродарим қўйга ўч эди. Оғилхонасидан қўйни аритмасди. Ҳар йили уч-тўртта қўйни емлаб, семиртириб сотгувчи эди. Таниш-билишларга қўй керак бўлиб қолса биринчи бўлиб унга учрашар эди. Нархини ҳам инсоф билан анча тушириб берарди. Шуларни эсладиму, қўй қидириб бозорга борганимдан кўра, унинг болаларига учрашсам бўларкан, ахир фарзандлар ота қадрдонига борини йўқ дейишмас, деган хаёлда унинг эшигини қоқдим.

Катта ўғли Холматжон уйда экан.

— Э, отахон бормисиз? Анчадан бери йўқламай қўйдиз, — гина аралаш сўз қотди у.

— Ҳа энди ёшинг ўтса ўзингдан ортмай қоларкансан,— дейман ўзимни оқлаб.

Бир пиёла чой устида ширин суҳбат, ота хотирасидан сўнг мақсадга ўтдим.

— Набираларга бир қўй харид қилмоқчи эдим. Оғилхонада дўстим Аҳмаджондан қолган қўйлар бордир. Улар орасида биз бопи ҳам топилиб қолар, деб сенинг олдингга келдим.

—Э отахон, оғилхонамиз ҳозир бўшаб қолган. Отамиздан кейин келиниз буларни йўқотинг, ҳаммаёқни пашша бостириб юборди, деб туриб олди.

— Ахир хотин, ёшимни таниибманки, отамиз қўй боқадилар, гўштдан узилиш бўлганда, дарров биттасини сўйиб берадилар.- Қора қозонимиздан қўй гўшти аримайди, — десам у:

— Ана бозор тўла гўшт. Қўй гўшти еймиз деб қачонгача унинг сассиғига чидаб ўтирамиз, отангиз борларида уларнинг юзини қилиб индамасдим. Оғилхонанинг олдидан бурнимни беркитиб ўтардим, — деб бошимни қотирди. Бор-эй, дедиму ҳаммасини бир кунда бозорга олиб бориб арзон-гаров бўлсада сотиб юбордим.

Эй аттанг, дейман ўзимга ўзим. Фарзандлар бор, ота касбини улуғлайди, ишини давом эттиради. Ундан қолган ҳар бир буюмни ёдгорлик сифатида авайлаб асрайди. Ота руҳини шод этиш учун у ҳавасу ихлос қўйган молу-мулкини йўқотмай, балки, уни кўпайтириш пайида бўлади. Афсус, бу хонадонда эса бунинг аксини кўрдим.

*Шахмат ҳангомалари*

## КЎЧМА МУКОФОТ

**1954 йили Солсбери шаҳридаги сеанслардан бири тугагач, собиқ жаҳон чемпиони, профессор Макс Эйве қараса, кийимхона бекилиб қолибди. Гроссмейстер шляпасини ололмабди.**

Сеанс мутасаддиси Эйвега шляпасини аэродромга олиб боришни ваъда қилибди-ю унутиб, уйида қолдирибди.

— Илтимос қиламан, маэстро, мана буни олақолинг, — дея Эйвега япянги нейлон шляпасини узатибди мутасадди.

— Жуда соз! — дебди Эйве, —пулини тўласам бўладими?

— Асло. Шахмат клубимиздан сизга совға.

— Миннатдорман, — дебди Эйве, — ундай бўлса менинг шляпамни кўчма кубок тариқасида ишлатарсизлар!

1955 йилнинг бошларида Солсберида мусобақа ўтказилди. «Анъанавий турнир. Ким ғолиб чиқса, кўчма мукофотга гроссмейстр Эйвеннинг шляпасини олади», деб эълон осиб қўйишди.

Шу-шу шляпа кўчма мукофот бўлиб қолди.

## ҲАЛОЛЛИК

1909 йили Петербургда халқаро турнир ўтказилди. Бу турнирда яқин орада жаҳон биринчилиги учун бўладиган матч қатнашчилари Ласкер билан Шлехтер ҳам бор эди. Улар ўртасидаги учрашувни кўришга жуда кўп одам йиғилди. Ўйин бошланадиган вақт ҳам бўлди, лекин Ласкердан дарак йўқ. Жаҳон чемпиони ярим соат кечикиб келди ва биринчи юришни қилди. Шу пайт судьялару томошабинлар Шлехтернинг ғойиб бўлганини пайқашди. Кўп қидирувлардан сўнг уни боғдан топишди. Шлехтер бамайлихотир сайр қилиб юрарди. Унга Ласкер турнир залида экани ва биринчи юришни қилганини айтишганда, соатига қараб қўйди-да, пинагини бузмай сайр қилишда давом этди. У ҳам роппа-роса 30 минут ўтгандан кейингина жавоб юришини қилди.

— Бунақа илтифотларга муҳтож эмасман, — деди Шлехтер ўйин тугагач.

*Ўзбекистон — умумий уйимиз*

# ОРЗУ УМИДЛАР УШАЛГАН БАЙРАМ

**Дунёда шундай неъмат борки, у барча учун бирдай улуғ ва азиздир. Бу — Мустақиллик!**

130 га яқин миллат ва элатларнинг бирдам ва аҳил яшашига барча шарт-шароит ва имкониятлар яратган Ўзбекистон бундан 13 йил илгари мустақил ривожланиш йўлини танлаб, халқининг миллий-тарихий келиб чиқиши, тафаккури, дунёқараши, анъана ва урф-одатлари, мамлакатда ўзига хос турли конфессиялар мавжудлиги, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўзининг демократик жамият қуриш моделини ишлаб чиқди. Шу ўринда ривожланишнинг уствор йўналишларидан бири этиб миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик сиёсати илгари сурилиб, барчанинг миллати, тили ва эътиқодидан қатъи назар, ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу кунларда кенг тарзда нишонланаётган Мустақиллик байрамини мамлакатимиз раҳбари раҳнамолигида узоқни кўзлаб юритилаётган тинчликпарвар сиёсатнинг ёрқин ифодаси десак муболаға бўлмайди. Пойтахтимиз бош Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган асосий тантаналардан сўнг байрам шукуҳи маҳаллалар, кўчалар, дам олиш масканлари, бутун шаҳар бўйлаб тароват ёйганида ўзига хос рамзий маъно касб этади. Мустақиллик барча учун қадрли ва азиздир. Истиқлол кунини нишонлаш барчага насиб этиши, шодиёналар ҳам ҳар бир гўша, ҳар бир оилада кўтаринки руҳда ўтиши лозим.

Анъанага кўра, миллий-маданий марказлар томонидан тайёрланган театрлаштирилган концерт дастури Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Мустақиллик куни бу сўлим дам олиш масканига келган барча меҳмонлар мамлакатимизда истиқомат қилаётган аксарият миллат ва элатларнинг фольклор-этнографик дунёсига саёҳат қилиб, қозоқ, қирғиз, яҳудий, озарбойжон, татар, бошқирд, арман, поляк, немис ва бошқа миллатларнинг қўшиқ, куй, рақс, шунингдек ҳунармандчилик намуналари, миллий таомлари кўринишида ўзига хос маданияти билан танишишга мушарраф бўлдилар.

— Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг урф-одатлари ва анъаналари бор. Шу билан бирга ҳар бир халқнинг ва миллатнинг, у қаерда яшамасин, ягона мақсади — бу тинчлик ва тотувликдир. Дарҳақиқат, бу ерда бўлиб ўтаётган байрам фестивалини ҳам айнан барчамиз учун умумий уйимиз — Ўзбекистонда яшаб келаётган турли миллат вакилларининг аҳиллиги ва ҳамжиҳатлилиги намунаси деса бўлади,— дейди Арман миллий-маданий маркази раиси Артур Стамболцян. — Бугунги кунда мамлакатимизда 43 мингдан зиёд арманлар истиқомат қилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, уларнинг аксарияти ўз тили, урф-одатларини билган ҳолда ўзбек тилида бемалол сўзлаша оладилар. Бу эса, менимча, бир-биримизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиром белгисидир... Мустақиллик барча миллатни бирлаштириб турадиган умумхалқ байрами бўлгани боис, бу улуғ шодиёнага йил давомида тайёргарлик кўрамиз. Албатта, бундай тадбирларни ташкил этиш осон эмас. Шундай бўлсада, бу борада бизга яқиндан ёрдам бериб қўллаб-қувватлаб келаётган Республика байналмилал



маркази ҳамда «Бағрикенглик» жамғармасига ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

— «Корё» ва «Тиндалле» жамоалари чиқишлари томошабинлар томонидан ҳар доим шундай кўтаринки тарзда олқишланади ва бу мен, бадиий раҳбар учун, албатта, ғурур бахшида этади, демак, меҳнатимиз зое кетмабди, — дейди Маргарита Хан. — Беш йилдан бери Корейс миллий-маданий марказлар уюшмаси таркибида мана шундай тантаналарда иштирок этишга муяссар бўлмоқдамиз. Ансамблларни ташкил этишдан мақсад анъанавий корейс рақсларини тиклаб, уларни янада ривожлантириш эди. Бугунги кунда репертуаримизда 20 дан зиёд турли йўналишдаги рақслар бор, улар орасида янги саҳналаштирилган «Дўмбирали ўйин», назаримда, томошабинларга жуда ёқиб тушди. Бу рақсга мен икки йил илгари Сеулда бўлиб ўтган фестивалда шайдо бўлиб, уни ўзимизда ҳам қўйишга ният қилгандим ва бугунги байрам дастурида у биринчи бор ижро этилди. Уюшмамиз ёрдамида бир неча йилдан бери бир нечта болажонларимизни Жанубий Корея бўйлаб сафарга жўнатишга имконият бўлаяпти. Албатта, болалар хурсанд, лекин ҳар сафар уларнинг уйга, Ўзбекистонга соғинч билан шошилиб қайтишлари мени ҳайратлантиради. Дарҳақиқат, биз учун ҳам, фарзандларимиз учун ҳам бу қутлуғ замин она юртимиз, ўз уйимиздир.

...Боғ узра бир-бирига узвий боғлангандай гўзал наволар янграмоқда. Санъаткорларнинг қўшиқларига жўр бўлаётган томошабинлар чеҳрасидан нур ёғилмоқда. Ширин-шакар болажонлар ҳам рақсга тушиб, шодлик ва қувонч, қуёш ва меҳр ҳақида куйламоқда. Уларнинг мурғак юраклари шодду-хуррамликка тўла. Улар озод юрт болалари. Куй ва қўшиқлари, камалак каби ранг-баранг кийимлари ҳам шунга монанддир.

13 йил ичида эришилган ютуқларимиз, бунёдкорлик саъй-ҳаракатлари, тинч ва порлоқ истиқбол учун хизмат қилаётган инсонлар сиймоси, дунё учун бағрини очган гўзал диёримиз, Ватанимиз шон-шуҳрати — буларнинг бари миллий-маданий марказлар тадбирларида ёрқин акс эттирилганини кўпчилик томошабинлар эътироф этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Зуҳриддин Ҳусниддинов иштирок этди.

**Ильмира ШАРАФУТДИНОВА**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

# ГУЛЛАР — ШАҲРИМИЗ КЎРКИ

**Бугунги кунда гўзал Тошкентимизнинг қаерига борманг — ҳамма ерда дид билан қурилган иншоотлар ва уларга уйғунлаштириб маҳорат билан экилган гул кўчатларини кўрасиз.**

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан шаҳарни кўкаламзорлаштириш борасида «Яшил» дастури ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этила бошланди. Тошкентни гуллар шаҳрига айлантириш юзасидан ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда бу дастурларнинг амалдаги ижроси яққол кўриниб турибди. Шаҳримизда ободонлаштириш ишлари юқори даражада олиб борилмяпти. Турли хил гул кўчатларни етказиб беришда шаҳар манзарали боғдорчилик ва гулчилик хўжалигининг ҳиссаси каттадир.

Боғлар, дам олиш масканлари, катта кўчалар ва хиёбонлардан борар экансиз ўзига мафтун этиб очилиб турган гулларни кўриб кишининг дили қувончга тўлади.

**Раҳматхон АКМАЛОВ.**

**СУРАТЛАРДА: шаҳримиз чиройига янада кўрк қўшаётган бетакрор гулзорлар.**

**Муаллиф олган суратлар.**





**Шаҳримиздаги сўлим Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Сурнай сеҳри» деб номланган Республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Уюшқоқлик билан ўтказилган тадбирда республикамиз вилоят ва шаҳарларидан келган сурнайчилар қатнашиб, асрлар давомида бизгача етиб келган санъатимизнинг мафтункорлигини сўлим боғдаги томошабинлар ҳамда талабчан ҳакамлар ҳайъатига намойиш этдилар.**

*Танловлар*

# СУРНАЙ НАВОЛАРИ

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, Маданият ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ғафур Ғулом номидаги боғ маъмурияти ташаббуси билан ташкил этилган бу савобли тадбирни «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Телерадиокомпанияси қўллаб-қувватлади.

Уч босқичда мамлакатимизнинг туманлари, вилоятлари ҳамда Ватанимиз пойтахтида бўлиб ўтган кўрик-беллашувлар халқимиз орасида шуҳрат қозонган уста сурнайчилар, ёш ижрочиларни излаб топиш, уларнинг ушбу санъат ривожига қўшажак ҳиссаларини янада зиёда этиш, қолаверса янги ижодий ишларга рағбатлантиришдек эзгу мақсадларни кўзлаган.

— Маълумки, боғимизда турли йўналишдаги кўплаб маданий-маърифий ва халқ ижоди мавзусидаги тадбирлар, танловлар, беллашувлар ҳамда сайил кечалари мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Ўтган йили яна бир янги танловни ташкил этишга ҳаракат қилган эдик, яъни Тошкент шаҳридаги барча сурнайчилар иштирокида кўрик-фестиваль ўтказилганлиги кўплаб дам олувчиларимизнинг меҳрларини қозонган эди. Ушбу ташаббусни давом эттириб, кўплаб ташкилот ва жамғармалар билан ҳамкорликда, жорий йилда ҳаваскор сурнай ижрочиларининг республика кўрик-беллашувини ўтказдик. Тадбирга ташриф буюрган шу санъат мутахассис ва ихлосмандларининг ижобий фикр ва мулоҳазалари сурнайчилар байрамининг муваффақиятидан далолат бериб турибди, — дейди боғ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султонов.

Дарҳақиқат, кўрик жараёнида халқимизнинг ўлмас чолғу сози, мусиқа асарлари авлоддан-авлодга ўтиб, ардоқланиб келинаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Кўрик-танловнинг мутлақ ғолиби деб, Хоразм вилоятидан келган Қувондиқ Матёқубов бошчилигидаги гуруҳ топилди. Биринчи ўрин тошкентлик Абдуманнон Тешабоев ва унинг гуруҳига, иккинчи ўрин эса Тошкент вилояти вакилларидан Қаҳрамон Қосимов ва пойтахтимизнинг Атҳамжон Ҳожибоевлар бошчилигидаги гуруҳларига берилди.

Ишонамизки, мамлакатимизда ўтказилаётган бу каби кўриклар халқимиз орасидан етишиб чиқаётган, қадимий оҳангларни элимизга етказаётган маҳоратли сурнайчиларни топиш ва элга танитиш имкониятини яратади.

**Ўткир СУЛТОНОВ**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Шошилиб, нималарнидир ўйлаб кетаётган Эра қулоғининг қаттиқ оғриганидан бақириб юборди. Чунки унинг қулоғидан 50 минг сўмлик сирғасини кимдир юлиб олиб қочиб кетаётган эди-да. Кейин у зудлик билан ички ишлар ходимларига хабар берди. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ҳеч қаерда ишламайдиган судланган Степашкин исмли шахс далилий ашё билан ушланди. Энди унга қонуний чора кўрилади.

● Юнусобод туманида яшовчи Норали аканинг хонадонида ҳеч ким йўқ. Эрталаб соат 10.00 да Дилшод ва Эркин ушбу уйга калит танлаш йўли билан кириб 117.000 сўмлик мол-мулкни ўғирлаб кетди. Орадан анча вақт ўтиб Норали ака келди. У эшикни икки маротаба қулфлаган эди. Ҳозир эшикнинг қулфи бир маротаба қулфланган. Норали аканинг кўнглиниманидир сезди. У ичкарига кириб қараса, ҳамма жой тинтилган, нарсалар сочилиб ётарди. У дарҳол «02»га сим қоқди. Ички ишлар ходимлари ўғриларни ҳали манзилига етмасдан қўлга олди.

● Фозил Илҳомни АҚШга юбораман, деб 8.650 АҚШ долларини олганига анча бўлган эди. Шубҳалар гирдобида қолган Илҳомнинг ички ишлар ходимларига мурожаат қилишдан ўзга чораси қолмади. Илҳом ростдан ҳам алданган эди. Ички ишлар ходимлари жиноятчини топдилар. Етказилган маънавий ва моддий зарар ундирилди. Фозил қилган қилмишидан пушаймон. Лекин энди «ғишт қолипдан кўчган» эди.

● Чилонзор тумани 5-мавзеда яшовчи, бирор жойда ишламайдиган Ш.Шокиржон исмли йигит бўлса Чилонзор тумани, 9-мавзеда жойлашган 2а-уйнинг олдидан бораётган Сергели тумани, 3-даҳа, 18-уйда истиқомат қилувчи тадбиркор Б.Аҳмаджоновнинг қаршисида пайдо бўлиб, унга нисбатан куч ишлатиб, қўрқитиб, қўлидаги сумкасини ва унинг ичидаги 80.000 сўм пулларини тортиб олиб қочиб кетаётган паллада ушбу ҳудудда хизмат олиб бораётган ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида далилий ашё билан қўлга олинди. Эндиликда талончининг ўйламай босган мазкур ножўя қадамидан юзи шувут бўлиб қолди.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази жамоатчи мухбири**

Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Тошкент шаҳар силга қарши диспансери, Республика тез тиббий ёрдам маркази уруш қатнашчиси, соғлиқни сақлаш тизимининг фахрий ходими

**Ашрафхўжа ШАРИФОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

*Бўш вақтингизда*

# «ЭНГ...» ЧАЙНВОРДИ



1.Боботоғ тизмасида жойлашган Ўзбекистоннинг энг баланд чўққиси. 2. Энг қадимий пойтахт шаҳар. 3. Марказий Осиёдаги энг қадимий муқаддас китоб. 4. Энг кўп спортчи иштирок этадиган халқаро спорт мусобақаси мажмуи. 5. Тебранувчи жисмнинг мувозанат ҳолатидан энг узоқ ҳолатгача бўлган масофа. 6. Ер шарининг энг шимолий нуқтаси жойлашган ҳудуд. 7. Дунёдаги энг йирик серсув дарё. 8. Энг катта илон. 9. Энг моҳир ўзбек шашкачи аёли. 10. Оналарнинг энг қадимий ашуласи. 11. Жанубий Америкадаги энг қадимий чўл ҳудуди. 12. Ер шарининг энг жанубий ҳудуди. 13. Араб алифбосидаги энг биринчи ҳарф. 14. Дунёда энг оммавийлашган спорт ўйини. 15. Футбол бўйича ўтказилган илк жаҳон чемпионатида энг биринчи тўпни киритган футболчи. 16. Энг узун дарё. 17. Коинотга энг биринчи бўлиб парвоз этган жонивор лақаби. 18. Энг биринчи дарслик. 19. Энг дастлабки сув транспорти воситаси. 20. Боксдаги энг кучли зарбадан рўй берадиган ҳолат. 21. Марказий Осиёдаги энг катта шаҳар. 22. Дунё халқларининг энг азалий орзуси. 23. Атроф-муҳитга оид энг кўп маълумотга эга бўладиган инсон аъзоси.

**МУАММОНОМА**

Шакл атрофидаги рақамларда Соҳибқирон Амир Темур меросига мансуб ҳикматли сўзлар яширинган. Аввало уларни қуйидаги очқич сўзларни топиб, билиб олинг.

1. Пирамида шаклида бунёд этилган энг қадимий ёдгорликлардан бири — 7, 12, 6, 11, 9.
2. Ватанимизда энг эрта гуллайдиган қуруқ мева — 10, 11, 3, 11, 9.
3. Хонадонларда боқиладиган энг сайроқи парранда — 14, 2, 1, 2, 6, 13, 17, 14, 2.
4. Энг кўркам хона жиҳозларидан бири — 4, 8, 5, 2, 9.
5. Хотираси энг яхши қушлардан бири — 16, 15, 16, 8.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 27 август сонида берилган**
**КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

**Энига**: 9. «Қасам». 10. Мақом. 11. Мовут. 12. Тилак. 13. Роман. 14. Намат. 15. Товоқ. 16.Қомат. 25. Фараз. 26. Зидан. 27. Нодир. 28. Ребус. 29. Роҳат. 30. Товон. 31. Нотиқ. 32. Қомус. 41. Насаф. 42. «Фобус». 43. Содиқ. 44. Қанот. 45. Поташ. 46. «Широқ». 47 «Қовоқ». 48. Қонун. 57. Кураш. 58. Шаҳар. 59. Ролик. 60. Какао. 61. Ботир. 62. Ривож. 63. Жилов. 64. Волга.

**Бўйига**: 1. Кабоб. 2.Қалам. 3. Наган. 4. Борат. 5. Бодом. 6. Рубоб. 7.Китоб. 8. Фалак. 17.Баҳор. 18.Масал. 19. Нишон. 20. Тагор. 21. Мотор. 22. Билим. 23.Бетон. 24. Кумуш. 33.Робот. 34.Лапар. 35.Норин. 36.Ротор. 38.Мисол. 39.Намоз. 40.Шотут. 50.Радио. 51. Нафис. 52. Тароқ. 53. Розий. 54. Лимон. 55. Завод. 56. Тайга.

*Тақдимот*

# ҚЎШИҚЛАРГА БОЙ ФИЛЬМ

**Маълумки, кино ва театр халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда маданият ва маънавият ўчоғи бўлган кино ва театрларимиз янги томошалар билан бойиб, санъатсевар халқимизни ўз бағрига чорламоқда. Айниқса ўзбек кино ижодкорлари томонидан яратилаётган бир қатор турли мавзулардаги фильмлар кўпчиликнинг эътиборини қозонмоқда.**



Куни кеча Алишер Навоий номидаги санъат саройида «Хавфли бурилиш» деб номланган янги мусиқий комедиянинг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу фильмнинг ижодий гуруҳи асосан ёшлардан иборат. Сценарий муаллифи Жаҳонгир Позилжонов, постановкачи-режиссёр Мирмақсуд Охунов, оператор Рустам Муродов, продюссер ҳамда картина директори Абдураҳмон Позилжоновлар фильмни яратишда ҳамкорликда жонбозлик кўрсатишди.

Фильмнинг бош қаҳрамонлари тўрт йигит бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатлари, ҳаётдаги турли тўсиқларга дуч келишлари, шунингдек тақдир ҳазили, севги-муҳаббат можаролари кучли юморга бойитилган ҳолда экранда акс эттирилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, режиссёр ва операторнинг кинодаги дебют ишлари бўлишига қарамай, улар ажойиб ижодий жуфтликни яратишга муваффақ бўлишган.

— Ушбу фильмга актёрларни ижодий салоҳиятини эътиборга олган ҳолда жалб қилдик, — дейди фильм режиссёри Мирмақсуд Охунов. — Таниқли актёрлар Мурод Ражабов, Дилбар Икромова, Равшан Солиҳов, шунингдек Гулчеҳра Носирова, Ҳожиакбар Комилов, Саид Мухторов, бош рол ижрочилари — ёш истеъдодли актёрлар — Равшан Собиров, Ситора Фармонова, Жаҳонгир Позилжонов, Ботир Имомхўжаев ва Дилшод Каттабековлар ўзларига юклатилган вазифани муваффақиятли адо этишди. Фильмнинг мазмунидан келиб чиқиб кино учун махсус учта янги қўшиқ яратилди. Қўшиқларни Равшан Собировнинг ўзи Шаҳзода билан биргаликда куйлашган.

Ушбу янги кинокомедия 1 сентябрдан бошлаб Алишер Навоий номли санъат саройида кенг омма эътиборига ҳавола қилинмоқда.

**Дилором ИКРОМОВА**

# МАҲАЛЛАНИНГ ЯНГИ ГУЗАРИ

**Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн уч йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайз» маҳалласида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси икки қаватли янги бинога кўчиб ўтди.**

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг барча соҳаларда фаоллигини кучайтириш, аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳуқуқий маданиятини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу бинода ўз фаолиятини бошлаган «Моҳларойим» аёллар ва ёшлар ўқув-амалиёт марказида уй бекалари ва бўлғуси келинлар бичиш-тикиш, қандолатчилик, уй ҳамшираси, каштачилик сирларини ўрганади, касб эгаллайди.

Маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси, мазкур марказ раҳбари Г.Ҳамидованинг айтишича, марказда очилиши мўлжалланаётган тикувчилик цехи йигирма беш нафар хотин-қизни иш билан таъминлайди. Шунингдек, бу ерда ҳуқуқий маслаҳатхона ҳам бўлади.

**ЎзА**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ**

*Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки*

**МОСКВА ЦИРКИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ**

Ҳинд филлари

ўргатувчи Россияда хизмат кўрсатган артист Юрий ДУРОВ

Иллюзион ўйинлар устаси Россия халқ артисти

Кох КУНЕС

Томошалар: 4,5, 11, 12 сентябрь кунлари 12.00, 18.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

**Маълумотлар учун телефонлар 144-35-91; 144-29-04; 144-32-23.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1009.

1 2 3 4 5 6